

*Мехнат ва  
ўқиши —  
ofa-ини.*

Ўзбек халқ мақоли



# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипни қабул килди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимиға ташрифи билан күтлар экан, Ўзбекистон — Эстония муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдири.

Биз Эстонияга изчил равнақ топаётган, хусусан, бугунги кунда инфратузилмаси, транзит, транспорт соҳасидаги имкониятлари ривожланган давлат сифатида

қараймиз, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимизда икки томонлама муносабатларни ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш учун барча асослар бор.

Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансип самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннадорлик билдириб, Эстония мамлакатимиз билан сиёсий ва савдо-иктисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан фоят манбаатдор эканини таъкидлади.

— Ушбу ташриф Эстония

Бош вазирининг Ўзбекистонга ilk ташрифи бўлиб, ундан асосий мақсад — минтақанинг етакчи давлати сифатида эътироф этилган Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат, — деди Андрус Ансип. — Президент Жаноблари, Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, кенг кўламли ҳамкорлигимиз учун барча зарур шарт-шароит мавжуд.

Ўзбекистон билан Эстония ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш Марказий Осиё мамлакатлари билан Болтиқбўйи ва Европа

та Иттифоқи давлатларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат киласи.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иктисодий ва сармоявий соҳаларни, энергетика ва транспорт коммуникациялари тармоғини қамраб олади. Тўқимачилик, фармацевтика, кимё саноати ва иқтисодиёт ҳамда илм-фаннынг бошқа соҳаларида ўзаро фойдали асосда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишидан икки томон ҳам манбаатдор. Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Эстония бизнес-форуми якунлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ривожланган транспорт инфраструктурасига эга ҳамда жўғрофий жиҳатдан қуалай жойлашган Ўзбекистон ва Эстония транспорт соҳасида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси ҳалқаро хабининг сармоявий ва логистик салоҳияти минтақамиздаги энг муҳим транзит тармоғи сифатида эътироф этилган.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмасилди.

(ЎЗА)


# ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ШАЙДОЛАРИ



Пойтахтимиздаги Республика дизайн коллежида 859 ўкувчи 19та ихтиосслик бўйича замон таълим олмоқда.

Ушбу замонавий ўкув масканида илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга, ёшларнинг халқ амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларида билим ва маҳоратини оширишга, бадиий-эстетик дидини

2010-yil — Barkamol avlod yili



юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётir. Коллежнинг иқтидорли ўкувчилари «Келажак овози» республика кўриктанлови, «Art Week Style.UZ» санъат ҳафтаги каби нуфузли фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Суратларда: Республика дизайн коллежи ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



Хабарингиз бор, жорий йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори қабул килинган эди. Мазкур қарор ва унинг асосида ишлаб чиқилган Низомда таълим муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, ташиб, саклаш ва сотишга нисбатан меъёрий талабларни белгилаш, соғлиқ учун зарарли иштеймал маҳсулотлари билан боғлиқ касалликларнинг оммавий тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, ўқувчиларда соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантиришнинг барча жиҳатлари акс этганлиги аҳамиятлайдир. Таъкидлаш лозимки, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол униб-ўсишлари, жисмонан барқарор ривожланишида тўғри овқатланиш, санитарий-гигиеник ва тиббий талабларга жавоб берадиган рационга амал килиш мухим аҳамият касб этади. Шу маънода, ушбу долзарб масала юзасидан «Баркамол авлод йили» давлат дастурда ҳам алоҳида вазифалар белгилаб берилганини бежиз эмас.

Юқоридаги кенг кўлами ишларни намуналий ўйла қўйиш ҳамда бу борадаги мавжуд камчиликларга барҳам бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бос давлат санитария врачанинг «Республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг овқатланишини ташкил қилинши таъминлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими (умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари) ўқувчиларининг овқатланиши ташкил қилиниши бўйича маълумотлар ўрганиб чиқилиб, ошхоналарнинг санитария-техник ҳолати, зарурий хоналарга эга бўлиши, иссиқ ва совук сув таъминоти, электр сув иситкичлар, музлаткич ва бошқа техноложик жиҳозларнинг ҳолати каби масалалар юзасидан таъкидий хуносалар билдирилди. Шунингдек, ошхоналарнинг юқорида санаб ўтилган моддий-техник таъминотидаги камчиликлардан ташкири озиқ-овқат маҳсулотларни ҳарид қилиш, саклаш, тайёрлаш жараёнларида ҳам мавжуд талаб ва меъёrlar бузилаётгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Республиkaning аксарият умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида иссиқ овқатнинг мавжуд эмаслиги сабабли доимий сифат назорати талаб этиладиган гамбургер, чизбургер, хот-дог, таркибида ароматизатор, ранг берувчи, консервант бўлган алкогольсиз газли, сунъий ичимликлар ва турли хилдаги ўй шароитида тайёрланган кичик маҳсулотлар сотилишига кенг ўрин бе-

таъминлаш, тиббиёт ходимларининг ҳарид қилинаётган хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини, овқат тайёрлаш технологиялари талабларига риоя этилиши, маҳсулотларни саклаш, ташиб ва сотиш шароитларига амал қилиниши, ходимларнинг шахсий гигиенага риоя этишлари, болалар овқатланишини ташкил этиш билан шуғулланувчи ходимларнинг тиббий заводхонлиги ва гигиеник маълумоти мавжудлигини ўрнатилган тартибда мониторинг қилиб боришини ташкил этиш каби зарурний кўрсатмалар ҳам

— ўй шароитида тайёрланган барча озиқ-овқат маҳсулотлари;

— кремли қандолат маҳсулотлари;

— холодец, гүшт, балик, парранда ва ҳайвон оёғидан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда калла гўшти рулетлари, ўпкажигарли ва қондан қилинган колбасалар;

— пастеризация қилинмаган (флягадаги) творог, термик ишлов берилмаган, идишда сақланган қаймоқ;

— қўлбола қатик;

— қўзиқорин ва улардан тайёрланган маҳсулотлар;

— ишонч ёрлиғисиз иш-

кан ютуқларига пойдевор бўлаётганини бугун ҳеч кимга сир эмас. Барқарор ривожланиш йўлида дадил одимлаётган юртимизда бундан кейин ҳам шу каби бунёдкорлик ишлари давом этади. Шу маънода, мазкур қарорда шу жиҳатлар ҳам эътиборга олинган бўлиб, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСЭНМ Бос давлат санитария врачларига, ТСБ СЭС, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ДСЭНМ, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТИК ДСЭНМ Бос врачларига умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиншида лойиҳалари таркибига ошхона киритилмаган бўлса, қуриш ишларига руҳсат бермаслик, ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил қилиш бўйича мунтазам равишда мониторинг олиб бориш, ошхоналарда таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда уларнинг замонавий сотов ва технологик асбоб-инвентарлар билан таъминланишини алоҳида назоратга олиш каби вазифалар юқлатилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муассасаларнинг тиббиёт ходимлари, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида овқатланиши ташкил қилиш, маҳсулотларни саклаш ва таом пиширишни тўғри йўлга қўйиш, ошхоналарда санитария қоидаларига риоя этилишини мунтазам мониторинг қилиб бориш ҳамда маҳсус комиссия таркибида иштирок этиб, сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Баркамол авлод тушунчалиги фарзандларимизнинг нафақат маънавий камолоти, балки жисмоний соғломлик даражасини ҳам ўзида мужассам этади. Ана шу нуқтаи назардан, юртимизда мустақилликнинг ilk йиллариданоқ бу улуғвор мақсад йўлида кенг кўлами ишлар олиб борилаётганини кўриш мумкин. «Баркамол авлод йили»да эса бу ишлар яна бир погона юқори босқичга кўтарилиди. Кўзларимизнинг оқуқораси бўлган фарзандлар саломатлиги эса ҳар биримиздан масъулият, хушёрлик, эътиборни талаб этади. Бу билан, бугун орзу қилаётганиниздек, маънан етук, руҳан тетик ва жисмонан баркамол авлод ҳамда порлоқ истиқболимизга яна бир мухим пойдевор қўйган бўламиз.

# МАКТАБ ОШХОНАСИ:

## ЯНГИЧА ТАЛАБ ВА МЕЗОНЛАР

рилган. Бундан ташкири идиш-товоқ, маҳсус кийимлар, ювиш ва дезинфекция воситаларини сотиб олиш масалаларида ҳам жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Ваҳланки, ўқув муассасалари раҳбарлари ўзининг шахсий ташаббуси ҳамда саъи-ҳаракатлари билан ўқувчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишини ташкил қилиш, тайёрланётган овқатларнинг сифатини жамоавий назоратга олиш ва мактаб, колледж ҳамда академик лицейлар тиббиёт ходимларининг бу борадаги эътибор ва масъулиятини ошириши энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Қарорга қўра, Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига таълим муассасалари ошхоналарининг санитария-техник ҳолатининг талабдаражасида бўлиши ва ўқувчиларнинг рационал ва сифатли овқатланишларини ташкил этиш бўйича умумтаълим ва ўрта маҳсус таълим муассасалари раҳбарлари зиммасидаги жавобгарликни ошириш вазифаси кўйилди. Шунингдек, ўқувчиларни ўқитиш шароитларига бўлган гигиеник талаблар (0201-03-сонли) ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида меҳнатни муҳофаза қилиш, ўқитиш тартиби, таркиби ва ташкил этилиши бўйича санитария қоидаларига (0145-03-сонли) риоя этилишини

ушбу қарорда ўз аксини топган.

**Қарорга асосан умумтаълим муассасалари ошхоналарида қўйидаги ассортимент маҳсулотлар сотилиши тақиқланиди:**

— булочкага солинадиган гамбургер, чизбургер, хот-дог, сосиска ва колбаса маҳсулотлари;

— чипслар, кириешка ва хрустяшкалар;

— газланган яхна ичимликлар;

— яроқлилик муддати тугаган ва сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари;

— бир кун олдин тайёрланган овқат ва унинг қолдиқлари;

— эскириб, бузилган сабзавотлар;

— ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт, балик ва товук гўшtlари, шужумладан, ичи тозаланмаганлари ҳам;

— сувда сузадиган парандалар гўшти ва тухуми (ўрдак ва фозлар);

— ташки қавати тоза бўлмаган, синган, шунингдек, сальмонеллезга қарши чоралар кўрмаган хўжаликлардан олинган тухумлар;

— қадоқланишда герметик ҳолати бузилган, занглаған, шакли ўзгарган, ёрлиги бўлмаган ва ишлаб чиқарилган муддати белгиланмаган консервалар;

— турли аралашмалар ёки омбордаги зааркунандалар билан заарларнган ёрма, ун, қуритилган мева ва бошқа маҳсулотлар;

— лаб чиқарилган, шунингдек, дастлабки ишлов берилмаган ва пастеризация қилинмаган сут ва сут маҳсулотлари;

— термик ишлов берилмаган қайнатилган колбасалар;

— қиздирилган ёғда тайёрланган унли маҳсулотлар;

— сирка, хантал, хрен, ўтқир қалампир (қизил, қора) ва бошқа ўтқир зирвоворлар;

— ўтқир таъмли соуслар, кетчуплар, майонез, консервалар, маринадланган сабзавот ва мевалар;

— табиий кофе, тетиклантирувчи ва қувватни оширувчи ичимликлар;

— данакли меваларнинг мағзи;

— сақич;

— ўралмаган, тарозида тортиладиган карамел;

— окрошка ва совитилган шўрвалар;

— қиймали ва тўғралган тухумли макарон;

— ёғда қовурилган тухум;

— паштет, гўшт ва творогли қўймоклар;

— курук озиқ-овқат централларидан таркибида асосида тез тайёрланадиган биринчи ва иккинчи таомлар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида жаҳон андозаларига мос келадиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилди. Уларда яратилган бекиёс имкониятлар ёшлиаримизнинг ул-

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЭСТОНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ АНДРУС АНСИП ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Д.ТОШМУХАМЕДОВА, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ РАИСИ И.СОБИРОВ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЁЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида икки давлат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ахволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашиди.

Шунингдек, Ўзбекистон билан Эстония ўртасида савдо-иктисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлик масалалар хам муҳокама қилинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ШУ ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИДАН 1 ДЕКАБРИГА ҚАДАР «ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ОЙЛИГИ» ЭЪЛОН КИЛИНДИ.

Ойлик давомида маҳаллалар ва таълим муассасаларида эндокринолог шифокорлар иштирокида давра сұхбатлари, мулоқот ва саволжавоб кечалари, спорт мусобақалари, ёшлар ўртасида турли кўрик-танловлар ва концерт дастурлари ташкил этилади. Буюк Британия ва Россиядан ташриф буорадиган олимлар иштирокида илмий анжуманлар, ҳамкорликдағи жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ”ДА ВИЛОЯТ, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БҮЙИЧА КОМИССИЯЛАР ТОМОНИДАН 87 НАФАР ҚАРОВСИЗ ВА НАЗОРАТСИЗ ҚОЛГАН БОЛА АНИКЛАНДИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ ҮРГАНИЛИБ, АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ.

Төрмиз шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси мавзууда бўлиб ўтган семинарда ушбу маълумотга алоҳида ургу берилди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, шаҳар, туман ҳокимликлари хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъул котиблари, хукуқ-тартибот идоралари ҳодимлари, вилоят ҳалқ таълими, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни саклаш бошқармалари раҳбарлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Махалла” жамғармасининг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари раислари иштирок этди.

АВЛОНӢ НОМИДАГИ ХТҲҚТМОМИ ТИНГЛОВЧИЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХТҲҚТМОИГА ТАШРИФИДАН КЎЗЛАНГАН МАКСАД – ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДАН ИBORAT. ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ-ҲОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУЛARIНИНГ МЕҲНАТ, ТАСВИРИЙ САНЬДАТ, МУСИҚА ФАНЛАРИ КАФЕДРАЛАРИ ҮКИТУВЧИЛАРИНИНГ БИР КУНЛИК АМАЛИЙ МАШГУЛОТИДА АЙНАН ШУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР КУЗАТИЛДИ ВА ҮРГАНИЛДИ.

Даставвал институт ахборот-ресурс марказига тўплланган меҳмонлар ўз фан йўналишдаги кафедралар фаолияти билан танишиб, тингловчилар билан ташкил қилинган машғулотларни хам кузатдилар. Сурхондарё вилоят ХТҲҚТМОИ «Мактабгача ва бошлангич таълим» кафедраси катта үқитувчиси Норбии Очилдиева Марказий институтда «SVOD-тахлил» методи ва ҳамкорлик педагогикаси бўйича ўз билимини оширганини таъкидлади. Самарқанддан ташриф буорган ёш тадқиқотчи Нафиса Аҳмадова «Мусиқа үқитувчиларининг расбий маҳоратларини тақомиллаштиришда ӯқув-методик мажмуалардан фойдаланиш» мавзусини ўрганишда мақала ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари «Амалий фанлар» кафедраларининг иш тажрибаларини умумлаштириш унга бой манба бўлаётганини эътироф этди.

Х.ТЎЙМАНОВА,  
“Ma'rifat” мухбири



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПО-МАРКАЗ» МАЖМУАСИДА БўЛИБ ЎТГАН IV ҲАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИДА, ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ БЎЙИЧА 2,6 ТРИЛЛИОН СҮМЛИК, ЭКСПОРТ БЎЙИЧА 2,7 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛДИ.

Унда мамлакатимизнинг қишлоқ ҳўжалиги, автомобилсозлик, транспорт-коммуникация, электр энергияси, кимё, геология, курилиш, матбаба, қайта ишлаш, фармацевтика каби йирик саноат мажмуаларининг етти юздан ортиқ корхоналари ўз маҳсулотларини на-мойиш қилид.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА ОРИФ ГУЛХАНИЙ МЕМОРИАЛ ЎЙ-МУЗЕЙИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИБ-КЕЛИНАЁТГАН «САМАРҚАНДИ ГУЛГА БУРКАЙЛИК» 1+10 ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АКЦИЯСИ КАТНАШЧИЛАРИГА ЗОООГА ЯҚИН ТУВАКЛИ ГУЛ КЎЧАТЛАРИ ВА ҚАЛАМЧАЛАРИ ТАРКАТИЛДИ.

Акция шартига кўра, ҳар бир қатнашчи йил давомида бир гулдан ўн гул ундириб, бошқа гулсеварларга совга қиласди.

Яқинда ушбу акцияни Самарқанд шаҳридағи 10-Мехрибонлик ўй-мактаби кўллаб-куватлади ҳамда унда иштирок этишини маълум қилид. Мехрибонлик ўй-мактаби жамоаси бериладиган гул қаламчалари ва кўчатларини кўпайтириб, ўй-мактабни гулга буркашга аҳд қилиши.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоятнинг таниқли ижодкорларининг Самарқанд, она табиат ва әзгулик ҳақидаги шеърлари янгради.

Акция давом этмоқда.

Мамадали ЖАЛИЛОВ

ОЛИМ ҲЎЖАЕВ НОМИДАГИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ИЖОДКОРЛАРИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ЎЗЛАРИНИНГ «ТЎЙ» ПСИХОЛОГИК ДРАМАСИНИ НАМОЙИШ ЭТДИЛАР.

Бир гурӯх театршунослар, пойтахтдаги олий ӯқув юртлари талабалари, мактаб ӯқувчилари ва барча театр ихлосмандлари на-мойишда иштирок этиб, саҳна асарини мароқ билан томоша қилдилар. Спектаклда оиласда ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятлари, фарзандларнинг ҳам ўз навбатида ота-она олдидағи бурчлари, гиёхвандлик, ахлоқсизлик, молу дунё кетидан қувиш оқибатида ҳақиқий инсоний қиёфасини йўқотиб бораётган шахсларнинг аянчли қисматлари хусусида ҳикоя қилинган. Ижодий жамоа спектакль орқали ёшларни ёмон иллатлардан сакланиш, яхши инсоний фазилатларга эта бўлишга даъват этган. Бир гурӯх санъатшунослар, ҳақиқатдан ҳам спектаклда бугунги кун муаммолари ва унинг ечимлари тўлақонли акс этгани хусусида илик фикр билдирилар. Бу каби спектаклларнинг на-мойиши ёшлар онгига ёт иллатлар илдиз отишига йўл қўймаслиги шубҳасиз.

Мухтасархон КАРИМОВА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ӮҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИДА ҲАМШИРА ВА ОШПАЗЛАР УЧУН “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” МАВЗУСИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Республика Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамкорлигига ташкил этилган йиғилишда мактабгача таълим муассасаларидаги болажонларнинг соғлом овқатланиш рационини тўғри шакллантириш, улар учун тузилган таомнома тақсимотини доимий равишда янгилаб бориши масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан “Мактабгача таълим муассасаларида таълим ҳизматини ташкил этиш”, “Болаларни соғлом овқатланишига ишлаб чиқиши”, “МТМда соғлом овқатланишини ташкил этиш” мавзуларида маърузалар тингланди.

Азима КИЁСОВА,  
“Туркестон-пресс”

БОЛАНИНГ ИКТИДОРИ УНГА МЕХР, ЭЪТИБОР КЎРСАТИШ, ОРЗУЛАРИНИНГ РЎЁБИ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА РАҒБАТ ЎЙГОТИШ ОРҚАЛИ ЮЗАГА ЧИКАДИ. СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 300-МАКТАБ ПЕДАГОГЛАРИ УЧУН БУ СЎЗЛАР ШИОРГА АЙЛАНГАН.

Шу боис мактабда тадбирлар, кўрик-танловлар, эрталиклар, адабий учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан ёшлар ўртасидаги адабий учрашув ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

“Тил — тафаккур кўзгуси” деб номланган адабий-маънавий тадбир «Октябрь — филология йўналишидаги фанлар ойлиги» доирасида мактабнинг она тили ва адабиёт фани методбирашма раиси, ўқитувчи Холида Анорбоева томонидан ташкил этилди. Унда ўзувчилар томонидан ижро этилган адаб асарларида акс этган воқеалар асосига қурилган саҳна қўринишлари йиғилганлар кайфиятига хушнудлик бағишилади. Адабиёт, шеър, қисса ҳикоялар, уларнинг жанр хусусиятларию инсоннинг ўзлигини англенишади, маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти хусусидаги фикр алмашувлар, савол-жавоблар таълим самарадорлигига ижобий таъсир этиб, ӯқувчилар ижодкорлигининг юксалишига замин яратади. Шунингдек, тадбирда ёш қаламкашлар ўз ижод маҳсулларидан ўқиб бердилар.

Дилшод КАРИМОВ,  
“Ma'rifat” мухбири  
Владимир ГРАНКИН олган сурат.



“ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРИНИНГ ЎҚИТИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ” МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ, ӮҚУВЧИЛАРНИ ТЎГАРАКЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРASИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Ҳамза туманидаги 61-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда дарс жараёнидага ўқитувчи ӯқувчиларни мулодотни эркинлаштирувчи воситалар ишлаб чиқиши, хорижий тилларни ўқитишида интерактив ўйинларнинг аҳамияти борасида маълумотлар берилди.

Шўйба йиғилишларида “Таълим самарадорлигини юқори босқичга кўтаришда инновацион технологияларнинг ўрни”, “Хорижий тилларни ўқитишида фанлараро боғлиқлик методикасини ишлаб чиқиши ва оммалаштириш”, “Лингфон дарсларини ташкил этишнинг ўзига хослиги” мавзуларидаги маърузалар тингланди.

## Yangi o'quv yili yangiliklari amalda

«Оптимал жараёнлар назарияси» яратилган, иқтисодни, турли соҳаларни оптимал бошқарувга оид кўпгина тадқиқотлар ўтказилган, оптимал бошқарувга доир дарслклар ҳам мавжуд... «Умумий ўрта таълимнинг математика фани бўйича ўкув юкламаларини оптималлаштириш» деганда ўкув юкламаларининг синфлар орасида муаллим учун ҳам энг кулаги, энг мақбул тақсимоти тушунилади.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш, техника, иқтисодиёт соҳасидаги ривожи, ютуклари, халқимизнинг фаровон турмуши, ҳаёт тарзи дарслер ва ўкув кўлланмаларда ўз аксини, ифодасини топиши зарур. Бу эса ўз навбатида мактабда ўтилаётган фанларга оид давлат таълим стандартларини, дастурларини, ўкув режаларини такомиллаштиришни, уларни замон талаблари асосида таҳлил қилиб, дастурларнинг оптималини (энг қулагини) тошиши тақозо этади ва бу та-

боролмайдилар, сонларнинг бўлиниш белгиларидан тўла-тўқис фойдалана олмайдилар, шу сабабли бу мавзуларни ўзлаштиришда бўшлиқ пайдо бўлади.

Аслида, ўнли каср оддий касрнинг хусусий ҳолидир — маҳражи 10нинг даражаларидан иборат оддий касрлар ўнли касрлардир. Бундай касрларни каср чизигисиз ёзиш кулаги. Улар устида бажариладиган 4 амал (кўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш) куйи синфларда натурал сонлар устида бажариладиган 4 амалга ўхшаш. Ўнли касрлар мавзусини 5-синф болалари бемалол ўзлаштира олади. Айтиш жоизки, ўнли касрлар улар устида 4 амал Мирзо Улуғбек расадхонасининг етакчи олимларидан бири Фиёсiddин Жамшид ал-Кошийнинг «Мифтаҳ ул-хисоб» — «Хисоб илми калити» асариди биринчи бўлиб баён этилган.

# МАТЕМАТИКА ВА ГЕОМЕТРИЯ ТАЪЛИМИ

## ЎКУВ ЙОКЛАМАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МУАЛЛИМ ВА ЎҚУВЧИГА НИМА БЕРАДИ?

бий ҳолдир. Оптималлаш — лотинча «optimum» сўзидан олинган бўлиб, энг яхши, энг кулаги, энг арzon ва ҳ.к. каби маънени англатади.

Амалдаги дастурларни таҳлил қилган ишчи гурухи хуласалари, математика бўйича илмий-методик кенгаш тавсиялари асосида умумий ўрта таълим мактабларида математика фанидан жами 237 соат ҳажмдаги 71 мавзу оптималлаштирилди. Бу эса ўкув юкламасининг 27,5 фоизини ташкил этади. З соат ҳажмдаги 2 мавзу академик лицей ва касбхунар коллекларига ва 234 соат ҳажмдаги 69 мавзу синфдан-синфга ўтказилди.

Математика — умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми. У дунёning барча мамлакатлари мактабларида ўқитилади. Шуниси этиборга сазоворки, дунёning барча мактаблари 1—9-синфларида ўкув дастурлари, 4-5 мавзуни ҳисобга олмагандан, деярли бир ҳил. Дарслклар ҳам мавзуларнинг баён этиш услублари, мисоллар, уларга ажратилган соатларнинг кўп-камлиги билан фарқ қиласди, холос. Мактаб математикасидаги мавзулар бир синфдан иккинчисига ўтказилиши, синф ичida бир чорадан бошқасига сийжитилиши мумкин, аммо уларни дастурдан олиб ташлаб бўлмайди. Масалан, геометрия курсидаги Пифагор теоремаси, ўхшашликка оид мавзулар 2500 йил аввал қандай бўлса, шундайлигича турибди. Бобомиз Ал-Хоразмий назариясини яратган ва амалиётдаги кенг татбиқларини баён қилиб берган чизиқли, квадрат тенгламалар ўша даврдан бери универститет, мактаб дастурларидан тушмай келади. Бу мавзу

га ўтказилди. Оптималлаштирилган мавзуларнинг кўли 5—6-синфларга тўғри келди.

5-синфга 93 соатли янги мавзулар киритилди ва шунча соат 5-синфдан чиқарилди. 6-синфдан эса 107 соат чиқарилди, 107 соатли янги мавзулар киритилди. 5-синфдан чиқарилган мавзулар 6-синфга, 6-синфдан чиқарилган мавзулар эса 5-синфга ўтказилди.

5-синфдаги «Сонларнинг бўлиниш белгилари» (18 соат), «Ҳар хил маҳражли касрларни кўшиш ва айриш» (21 соат), «Ҳар хил маҳражли касрларни кўпайтириш ва бўлиш» (29 соат), «Фоизлар» (13 соат) мавзулари 5-синфга ўтказилди. Базъи мавзуларга ажратилган соатлар камайтирилди ёки ортирилди.

Хўш, оптималлаштириш ўқувчига нима беради? Бундан қандай натижалар кутилади? Нега айни шу мавзулар оптималлаштирилди? Бу саволлар жавоб топайлик.

Турли маҳражли оддий касрларни кўшиш ва айришда уларни умумий маҳражга келтириш зарур. Айни умумий маҳражни топиш — муаллим бор маҳоратини намоён этиб тушунтирмаса, 5-синф ўқувчишининг психофизиологик ривожланишига мураккаблик қилиши мумкин. Оддий касрларни кўпайтириш ва бўлиш қоидлари осон бўлса-да, натижани соддлаштириш (касрларни қисқартириш) жараёнини ўқувчилар охирigacha олиб

«Фоизлар ва уларга доир масалалар» ҳам 5-синф учун мос келади, болаларда қизиқиши ўйғотади, зўриқиши пайдо қилмайди, чунки фоизлар ўнли касрларнинг бир кўринишидир. 0,01 ва 1% каби ёзувлар айни бир соннинг юздан бирнинг турли кўринишида ёзилишидир, холос. 5-синфда фоизларга доир содароқ масалалар ишлатилади, албатта. Мавзуларнинг бундай оптимал тақсимоти нафақат ўқитиши самарадорлигини оширади, балки фанлараро боғланишдаги узлуксизликни ҳам таъминлайди. Физика, география фанларида бу ўз натижасини тез орада бера бошлайди.

7-синф геометриясидаги «Параллел тўғри чизиклар» бўлими 20 соатдан 10 соатга қисқартирилди. Шу 10 соат ўрнига «Учбурчак томонлари ва улар орасидаги муносабалар» бўлими киритилди. «Геометрия курсини аксиоматик куриш» бўлими ва «9-синф «Алгебра»-сидан бир мавзу — синуслар йигиндиси ва айримаси — академик лицей ва касбхунар коллекларни дастурлиги ўтказилди. Колган синфлардаги «Алгебра», «Геометрия» дастурларидаги мавзулар сақланиб қолинди, мавзулар орасидаги соат тақсимоти ўзгарди, холос. Таълимтарбия соҳасида «Етти ўлчаб, бир кес» мақолига мос равишда амалга оширилаётган хайрли ишлар кутилган яхши натижаларни беришига ишонамиз.

Мирғозил  
МИРЗААҲМЕДОВ,  
ТДИУ қошидаги аник  
фанларга  
иҳтиносослаштирилган  
давлат умумтаълим  
мактаби математика  
ўқитувчisi

# РАФБАТ МУВАФФАҚИYAT ТАЯНЧИ

Жамият тараққиёти, юрт фаровонлиги, халқнинг турмуш тарзидаги юксалиш — буларни, албатта, меҳнат, акл-заковат, демакки, инсон қалbidаги интилиш, фидойиликлар таъминлайди. Касаба уюшмалари, таъбир жоиз бўлса, аксарият ҳолларда ўз аъзоларини кўллаб-куватловчи, мададкор бўлувчи, улар меҳнатини ҳар жиҳатдан химоя килувчи ташкилотdir. Шу боис ҳам жамики жабхаларда унинг ўз ўрни, мавқеи бор. Маълумки, йилнинг ўтган тўқиз ойи барчамиз учун ўз фаолиятимизни сарҳисоб этиб, амалга оширилган ва ўз адогини кутаётган юмушларимиз хусусида яна бир бор фикр юритишимиз лозим бўлган палладир. Шу маънода Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга оширишга эришди, дейиш мумкин. Албатта, ишни тўғри ташкил этиш, мақсад ва вазифалар мазмун мөхияти, аҳамиятини теран илғай билиш самарадорликнинг бош омилидир. Ана шу нуқтаи назардан, биринчи навбатда, бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йигилишлари, конференцияларининг ҳар жиҳатдан пухта, атрофичча тайёргарлик кўрилган тарзда ўтказилишига этибор қаратилди. Шу мақсадда уюшма етакчилари билан таянч бошлангич касаба кўмиталарида кўргазмали ўкувлар ташкил этилди.

Sarhisob

риқиб ҳордиқ чиқариш насиб этди. Худуддаги 26-Мехрибонлик уйи тарбияла-нувшчиларининг барчаси, шунингдек, 174 нафар соҳа ходими республикамиздаги турли санаторийларда дам олиб, саломатликларини тикилашиди.

— Талаба ва ўкувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатларини рафбатлантириб бориш бизнинг доимий этиборимизда дейди, — кенгаши раиси Р.Деҳқонова. — Ана шундай эзгу мақсадларга тўқиз ой давомида 7,5 миллион сўм сарфланди. Жорий ўкув йилида уюшма ҳомийлигига устама стипендия олувчи талаба-ўкувчиларимиз 32 нафарни ташкил этди. Отонасидан маҳрум бўлган бир нафар талабанинг контракт тўловлари учун 1 миллион 550 минг сўм сарфланди.

Ёш оила, табиийки, атрофидагилар, жамиятнинг кўмагига муҳтоҷ бўлади. Уларнинг турмуш тарзидаги барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ғамхўрликларга боғлик. Уюшма ва иш берувчилар маблағлари тоғонидан 1194 нафар кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилгани ҳам ана шундай эзгу амаллардан саналади. Шунингдек, фарзандлари З ёшга тўлмаган иккى юздан ортиқ оиласидар уюшма ва иш берувчиларнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб келишмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Атлас кўйлагу ироқи дўппида рақсга тушаётган қизалоқлар кишида чиройли таассурот қолдиради... Кенг дала кўйнида "Чиллак" ўйнаётган болаларнинг қийқириги барчанинг завқини келтиради... Саҳнада жонлантирилган "Зумрад ва Қиммат" эртагини томоша қилиб ўтирган кичкитойларнинг ҳайратига беихтиёр катталар ҳам кўшилиб кетади...

Бугун мактабгача таълим муассасаларида ёш авлод қалбидан ватанпарварлик, миллатга садоқат туйғуларини янада ўстиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Ҳатто машғулот хоналари-да ўзбекона безатилган: хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалган. Үндаги паҳта гулли чойнак-пиёла, нон, ватанимиз кўйнида қўёшдан ранг олиб етилган сарҳил мевалар ҳақиқий ўзбек хонадонини кўз ўнгингизга келтиради. Уларни тарбиячи опалар бошлигидаги жажжи болакайлару қизалоқлар ясашган. Кичкитойларнинг дунёқараси, қизиқиши, ўй-хаёллари ана шу миллий рух ичра ривожланиб боради.

### ЎЙИНЧОҚЛАР "БУЮК ИПАК ЙЎЛИ" ОРҚАЛИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 426-мактабгача таълим муассасаси ҳовлисидағи "Буюк ипак йўли" майдон-чалини эътиборимизни тортди. Ўйинчоқлар ортилган туялар карвони саф тортган. Болалар ўзларига ўйинчоқларни мана шу туялар олиб келишига ишонадилар.

— Болаларнинг тасаввури кенг, улар оддий нарсадан турфа кашфиётлар яратишга қодир, — дейди МТМ раҳбари Гўзал Умарова. — Бир куни уларнинг ўйинини кузатиб ўтирасам, икки-уч қиз лойдан нон ясаяти. Шунда уларбоп тандир куриб бериш кераклиги хаёлимга келди. Тандир ҳам миллий ўйрўзгор буюмларимиздан. Шундай қилиб қизлар учун яна битта имконият түғилди. Уни "Буюк ипак йўли"-нинг четига курдик.

Мазкур боғчада 385 нафар ўғилқиз 14 гуруҳда тарбияланмоқда. Улар орасида турли миллат вакилари — ўзбек, рус, беларус, украин, индонезия ва хитойлик кичкитойлар бор. Бу болакайлару қизалоқлар ҳам ўзбек миллий анъаналари ва урф-одатларига қизиқиши билан қарайдилар. Муассаса раҳбарининг таъкидлашича, ота-оналар қизларининг ўзбек миллий рақсларини ўрганишини исташар экан.

"Кўзмунчок" дастаси айни ана шу мақсадда ташкил этилган. "Маънавият" бурчагида машҳур бобокалонларимизнинг суратлари, уларнинг илм-фан ривожига кўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, ўзбек ҳалқ

эга бўлди, дегани эмас. Миллий бурчакда эса сўзанани ҳатто кўл билан ушлаб кўрадилар. Бешикка қўғирчоқларини белайдилар. Бу болалардаги Ватанга муҳаббат тўйғусини ўстиради, — дейди Г.Умарова.

Айни кунларда МТМда "Қовоқ сайли" ўтказилмоқда. Қовоқдан ясалган турфа идишлар, ўйинчоқлар, қовоқ дастурхони тарбиячи-ю болаларга хуш кайфият бағишилмоқда.

# ҚАДРИЯТЛАР ОҒУШИДАГИ ТАРБИЯ

### "КИМ ОЛАДИ-Я ШУГИНАНИ-Я..."

Бу ўйин сизга жуда таниш, тўғрими? Болалик хотираларимизни ёдга солиши учун биргина шу жумла кифоя. Қалбимизга яқин, қадрдан ўйинларимиздан бири бу. Ҳар биримиз миллий ўйинлар билан бирга катта бўлганимиз. Уларни маза қилиб ўйнаган бўлсак-да, уларнинг моҳиятида нималар яширинлигини кўпинча илгамаганимиз ҳам.

Аслида ушбу ўйинларда ҳам ҳалқнинг ўзига хос хис-туйғулари, яшаш шароити мужассам бўлади. Улар болаларнинг билим ва тасаввурини мустаҳкамлайди, қаҳрамонлик, жасурлик, тўғрилик, ўзини тута билиш, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялади. Масалан, "Тош" ўйинлари кўл моторикасининг ривожланишига ёрдам берса, "Кўз бойлагич" эса фарқлаш, чамалаш, тезкорлик жиҳатларини шакллантиради.

Сергели туманидаги 318-иҳтиосослаштирилган мактаб-боғча мажмуасида тарбияланувчиларнинг миллий ўйинлар билан шуғулланишларига етарлича имконият бор.

— Мажмуамизда миллийликка алоҳида эътибор қаратилади, — дейди тарбиячи Муҳаббат Раҳмон-

кулова. — Болаларга тарбия беришда биринчи навбатда уларнинг түғилган юртга муҳаббатларини шакллантира билмоқ керак. Чунки ўзини таниган инсон ватанин асрайди, ҳалқини кўз-корачигидай ҳимоя қиласди.

"Ип тортиш", "Тўп иргитиш", "Чиллак", "Тўптош", "Қирқтош", "Бештош", "Кўз бойлагич", "Сапалак", "Ким чақон?", "Чори-чамбар", "Бойланди", "Кулоқчўзма", "Лой ўйини", "Арқон ўйинлари" болаларнинг севимли машғулотига айланган. Бундан ташқари, ўзбек ҳалқ эртаклари ва ривоятлари орқали болаларнинг тасаввурларини кенгайтириб борамиз.

Биз "Кўёнча ҳамон ўтириби" ўйинини ўйнаётган болаларни кузатамиз. Бу ўйин қуйидагича ўйналади:

Болалардан икки-учтаси "овчи" бўлади ва уларнинг қўлига коптколар берилади. Қолганлар — "кўёнча"лар. "Овчи"лар майдончада (ўрмонда) юриб, "кўёнча"ларнинг изларини қидиришади. Тарбиячининг ишораси билан қўёнчалар инидан чиқиб, сакраб-сакраб ўйнашади.

Тарбиячи, "Овчилар, тонг отди", дейиши билан улар уларидан чиқишида ва "кўёнча"лар инлари томон қочадилар. Овчилар фурсатни бой бермай коптокни болаларга қараб отадилар. Коптока теккан "кўёнча" кўлга тушган ҳисобланади. Тарбиячи, "Овчилар, кун ботди", дейиши билан улар яна майдончани "кўёнча"ларга бўшатиб беришади. Ўйин 2-3та "кўёнча" қолгунига қадар давом этади. Кўлга тушмаган эпчил ва чаққон болалар рағбатлантирилади.

Бу ўйин орқали болалар эпчил ва чаққон бўлишга ҳаракат қиласдилар, жамоа бўлиб ишлаш кўникмасини эгалайдилар.

Бугун юртимизнинг ҳар бир мактабгача таълим муассасасида ана шундай манзара ҳукмрон. Машғулотларда кичкитойларнинг ҳаракатини кузатиб, уларнинг баркамол вояга етиши учун барча шароити имкониятлар яратилаётганига иккор бўласиз.

**Башорат ОТАЖНОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири**



Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришда "Устоз-шогирд мактаби"нинг вазифалари мавзусида Учтепа туманидаги 245-мактабда ўқув-семинар ташкил этилди. Семинарда Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган мехнат таълими ўқитувчилари, шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси, методика маркази мето-дистлари, туман ХТБ мето-

дика кабинети мудирлари ҳамда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичи галиблари, шунингдек, "Ёш педагоглар мактаби" лидерлари иштирок этди. Мактаб ўқувчиларини муайян эзгу мақсадлар сари интилиш, маълум бир касбнинг моҳир устаси бўлиб етишишга ундаш ва шу каби масалаларда йигилганларнинг талаб ва так-

### КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ унда меҳнат ўқитувчилари- нинг роли

лифлари, маърузалари тингланди. Шундан сўнг ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан меҳнат дарсларида яратилган иход намунала-

### Seminar

рининг кўргазмаси намоноиши этилди.

— Бугунги тадбирда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурода белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ёшларимизни касбга йўналтириш бўйича умумтаълим



мактаблари меҳнат таълими ўқитувчиларининг роли ҳақида сўз борди, — дейди семинар қатнашчиларидан бири, Учтепа туман ХТБ меҳнат таълими бўйича методисти Ойбек Ваҳобов. — Жумладан, ёш педагогларимизнинг кўнишка ва тажрибаларини шакллантириш, хусусан, ўқувчиларни касбга йўналтиришда уларнинг фаоллигини янада ошириш борасида "Устоз-шогирд

мактаби"нинг тутган ўрни юзасидан фикр-мулоҳазаларга кенг ўрин берилди.

Бу каби ўқув-амалий семинарларнинг ўтказилиши ўқитувчининг педагогик маҳорати, билим савијаси, дарс бериш тажрибасини оширишга замин яратади.

### МУХБИРИМИЗ

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.**

# БОЛАЛАРГА МЕХР УЛАШИШ БАХТИ

Денис — етти ёшда. Бош миясининг чап қисмидаги аниқланган гемипарез хасталиги боис унинг бир қули ва оёғи яхши ишламайди. Вужудидаги бу нұксон болакайниң бегубор күнглига күчмай қолмади. Унинг феъл-авторидаги ҳаддан зиёд кам-гаплик, тортинчиқлик, құрқув ва атрофидагилар, айниқса, тенгкүрларидан үзини олиб қочиши ота-онаси ва яқинларини жиддий ташвишга соларди.

Боланинг бувиси Татьяна Тарасова неварасини келгусида қандай парваришиш, унинг таълим-тарбиясига қай тарзда ёндашиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат сұраб, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига мурожаат қилди. Марказнинг шифокор-невропатолог, ижтимоий педагог, психология, дефектолог, даволовчи жисмоний тарбия инструктори каби моҳир мутахассислари Дениснинг ахволини пухта ўрганиб, уни ижтимоий-тиббий-рухий реабилитация қилишга оид зарур тиббий муолажалар, коррекцион машгүлолтар, психологик тренингларга таклиф қилди...

Орадан бироз вақт ўтгач, машқ ва муолажалар ўз самарасини күрсатди. Денис үзини дадил, руҳан тетик ҳис этиб, құл ва оёқлари ҳаракатида ҳам сезиларли ижобий ўзғаришлар рой берди. Асосиysi — қалбидаги аввалги кемтиклик бархам топди.

Юртимизда, ижтимоий ва тиббий ҳолатидан қатын назар, барча болаларнинг ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мухофаза қилиш масаласига алоҳида ўтибор қаратымоқда. Бу жиҳатлар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятида ҳам үзининг яққол ифодасини топмоқда.

Ижтимоий ҳимояга мұхтож гурухдаги болалар — жисмоний ва ақлий ривожланишида нұксони бор, сурункали оғир хасталикка қалинган ўғил-қызылар, ота-она қарамғисиз қолган болалар, нотинч оиласар фарзандлари, ихтисослаштирилган ўкув-тарбия мұассасаларининг ўкувчиларига доир мұаммоларни чукур ўрганиш, бу йұналишда мағсус дастурларни яратыш ва уларни амалға ошириш, түрли вазирилек ва ідоралар, жамоат ташкилотлари ўтасидаги болалар ижтимоий ҳимоясига оид са-марали ҳамкорлықтың йүлгі қўйиш Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидандир.

Бу ерда ижтимоий ҳимояга мұхтож болалар манфаатларини таъминлашнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, қонун лойиҳаларини экспертиза қилишга алоҳида ўтибор қаратилади. Айни пайтада бокувчисини йўқотган болаларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳуқуқларни ҳимоялашга доир дозларб масалалар атрофлича ўрганилади, алоҳида ўтибман, мурекаб ҳәёттій вазиятдаги, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга ҳуқуқий ижтимоий құмак күрсатилади.

Табиити, Жомолунгманинг дунёдаги энг юқори чўкки эканини ўз-ўзидан маълуму машҳур бўлиб қолмаган. Уни илк матораба ҳинд математиги ва топографи Радхнат Сикдэр жиддий ўрганган. 1852 йили тригонометрик ҳисоб-китобларга таяниб, у мазкур чўкки чиндан ҳам ер юзида энг баланд нуқта эканини аниқлади. Радхнат гарчи энг юксак қояйнан Эверест эканлигини тўғри топган бўлса ҳам, унинг баландлиги неча метрни ташкил этишини ўша заҳотиёқ ўлчай олмаган эди.

Бу ҳолат Жомолунгма бора-сидаги изланишлар ҳали узок давом этишидан далолат бераради. Тоғнинг бўй-басти илк бор 1856 йили ўлчанди. Шу вақтга қадар инсоният томонидан эришилган энг оптималь ҳисоблашлар асосида чўкканинг умумий баландлиги 29 000 фут, яъни 8 840 метрни ташкил этиши ойдинлашди.

Бу тоб шу қадар викорлики, унга юрагида ўти бор одамларнинг ҳаммаси бирдек талпинади: унинг энг юқори нуктасида ўзларидан бирор эсдалик қолдиришга интилишади. Сайёрамиз пойида булутлар салом берувчи оқсоч тоғнинг инглиз тилидаги номи кўпроқ машҳур — Эверест! Маълумотларда қайд этилишича, мазкур ном Британиянинг Хиндистондаги геодезия хизмати раҳба-

ри сэр Жорж Эверест (1790—1866) шарафида қўйилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўжар тоғларни жиловлаш, уларнинг нокулай, бекарор иклимини бўйсундириш учун одамзод бир неча ўн йиллаб тинимсиз кураш олиб борди.

## БУЛУТЛАРГА ТУТАШГАН ЧЎККИ

Орадан қарийб бир асрга яқин фурсат ўтиб, Эверест қайтадан ўлчанди ва унинг аниқ баландлиги «ўзгарди». 1952 йили Жомолунгманинг «бўйи» 8848 метрни ташкил этиши равшанлашиб, тарих саҳифасига ўзгартириш киритилганди.

Бироқ 1975 йили хитойлик мутахассислар бу борада яна ҳам аникроқ, мукаммалроқ натижага эришилди, улар Сагарматха тоғининг бўйи 8848,13 метрга «чўзилгани» билдиришди.

1998 йилга келиб эса, америкалик экспедициячилар гурӯҳи янги замонавий асбоблардан бири бўлмиш GPS (Global Positioning System) во-ситасида чўкканинг баландлигини ўлчашга эришди. Бу XX асрдаги энг сўнгги тадқиқот маҳсулни эди. Шу тариқа Эверест 8850 метрга «ўсан» төсифатида қайта рўйхатга олинди.

XIX асрда бошланган илмий изланишлар XXI асрга ҳам «мерос» бўлиб ўтди гёй. 2005 йилнинг 5 октябринда Хитой Халқ Республикаси геодезия ва кар-

тография давлат бошқармаси мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида осмонўпар чўқининг янада аниқ баландлиги ўлчангани дунё ҳамжамияти эътиборига далиллар асосида маълум қилинди. Унга кўра, Эверестнинг умумий баландлиги 8 844,43 метрдан кўп ҳам, кам ҳам эмас экан. 2010 йили бу кўрсаткичга жузъий тўғрилаш киритилди: чўкки денгиз сатҳидан 8 848 метр, ер юзасидан эса 8 844 метр баланд экани қайд этилди. Айтиш мумкинки, Жомолунгманинг якуний ўлчами ҳали ҳам ўз ечи-мини кутмоқда. Ахир, она-табиати муттасиси равишда ўсади, ўзгаради. Бундай ҳолат олимларнинг «ширин ташвишлари» — изланишлари ҳам давом эти-


тиш насиб қилимади. Шундан сўнг Жорж Мэллори ҳамда Эндрю Ирвин омадсизликка учраган гуруҳдошининг ишини охирига етказиб қўйишга

бов биринчи бўлиб Сагарматханинг энг олий чўккисига чиқди ва она Ватанимиз байроби ни ўрнатди. Ундан кейин эса бошқа номдор спортчи-альпинистларимиз ҳам «юксак маррага» кўтарилиди. Улкан мақсад сари шайланган кишига ҳеч қачон осон бўлмаган. Альпинистларимиз Эверестни қатор нокулайликлар, дакиқада ўзга-рувчан об-ҳаво шароити хукм суришига қарамай, кўзлаган мақсадига этишди.

Спортчиларимиз томонидан эришилган ушбу катта муваффақият ватанимиз тарихи зарвақларидан жой олди, десак, янглишмаган бўламиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари спортчилари қатори ёш ва навқирон Ўзбекистоннинг шихоатли фарзандлари ҳам сайёрамизнинг энг баланд чўккисини забт этишгани киши қалбида фуур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириши табий.

Хулоса қилиб айтганда, тоғлар инсониятга орзу-истаклари чек-чегара билмаслигини, у доимо қандай соҳанинг этагини тутмасин, энг юксак чўккига кўтарилишни мақсад қилишини эслатиб туради, гёй. Салобатли тоғлар ҳам худди инсон кўксидаги кўз очган ойдин орзулар булоғи каби ўзида улуғворлик касб этади. Шу билан бирга, баланд чўккиларга йўл инсон кўнглидан бошланиши равшанлашади. Эверест сингари юксак тоғлар эса ба-шариятнинг улуғвор гоялари тимсоли бўлиб, савлат тўкиб тураверади.

Шахина ЖЎРАЕВА



Bilasizmi?

## «ЖОНЛИ САЙЁРА»ДА ЎЗГАРИШЛАР ҚАНДАЙ?

кот Ернинг табиии ҳолати «жонли сайёра кўрсаткичи» (турларнинг кўпайиши даражаси), «инсониятнинг экологияга таъсири» (табиии ресурслардан фойдаланиши), «биологик сигим» (қайта тикланадиган табиии ресурслар кўрсаткичи) ва қатор бошқа меъонлар асосида олиб борилади.

Жонли сайёра кўрсаткичи 1970 йилдан бугунги кунгача бўлган вақт оралиғида мавжуд турлар 30 фоизга камайганини кўрсатди. Бунда тропик ўрмонлардаги турлар энг кўп зарар

кўрган: улар 40 йилдан кам муддатда 60 фоизга камайиб кетган.

— Табиии ресурсларнинг бу даражада тез «емирилиши» кўплаб омилларга боғлиқ, — деди фонд вакили Жим Лип. — Хусусан, ривожланаётган мамлакатларда табиии захиралардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш ва «иссиқона таъсири» экологияга кескин зарар етказмоқда.

Ерда ва сувда ҳаёт кечирувчи турларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида сайёра бешта био-

географик ҳудудларга бўлинган ҳолда тадқиқ этилган. Уларнинг орасидан палеарктик ҳудуд 1970 йилдан бери турларнинг кўпайишида

ўшиш кузатилган ягона макон, дея эътироф этилди. Шунга қарамай, фонднинг ҳудуддаги биологик хилма-хиллик бўйича етакчи мутахассиси Владимир Крекернинг сўзларига кўра, мазкур ҳудудда ҳам аҳвол мақтогва лойиқ даражада эмас. Негаки, аниқ шу ҳудудга кириувчи Кавказда яшайдиган Олд Осиё леопарди йўқолиб

кетган, Узок Шарқ леопарди номини олган турноёб ҳайвонлар рўйхатидан ўрин олган, оқ айқекескин равишида камайиб кетган.

Шунингдек, ҳисоботда баён этилишича, 1966 йилдан бери табиии ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичи иккӣ баробарга ошган экан. Содароқ қилиб айтганда, қайта тикланадиган табиии ресурсларнинг аксарият қисми ўрни тўлиб улурмасдан сарфланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, агар вазият ўзгармаса, яъни захиралардан оқилона фойдаланиш са-

марали йўлга қўйилмаса, 2030 йилга бориб ресурсларга бўлган эҳтиёж кескин равишида ортиши кузатилади.


Экологик оқибатлар бўйича бутундунё тармоғи президенти Матис Вакернагелнинг сўзларига кўра, ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилган давлатлар аҳолиси нафақат сайёрамиз учун хайрли ишларни амалга оширган, балки янги экологик шароитларда устунликка ҳам эга бўлади. Шу билан бирга, мутахассис ҳисоботда қатор экологик масалаларнинг самарали ечимларини таклиф этди. Уларга энергия ва кувватни сарфлашнинг янги моделлари, атроф-муҳитни мухофаза қилишни қаратилган чора-тадбирлар ҳам киритилган.

Наргиза ИБРОХИМОВА  
тайёрлади.

# 10 НАНОМЕТРЛИ ЧИПЛАР

«Интел», «Самсунг» ва «Тошиба» компаниялари 10 нанометр катталиктаги микрочипларни яратиш мақсадида бир лойиха доирасида ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштирган. «Дэйли Миррор» нашрида баён этилишича, компаниялар истиқболли битим тузишни мақсад қилган. Келгусида уларга яримүтказгичларни яратиш соҳаси ва турдош йўналишларда фолият олиб борувчи яна кўплаб фирма ҳамда ташкилотлар кўшилиши хам кутилмокда.

Дастлабки босқичда лойиҳага 130 миллион долларга яқин маблағ ажратилиб, унинг ярми Япония Иқтисодиёт, савдо-сотик ва ишлаб чиқариш вазирлиги томонидан берилади. Муҳандисларнинг таъкидлашича, 10 нанометр катталикдаги технологиялар асосидаги микрочипларни ишлаб чиқариш 2016 йилга келиб якунланиши кутилмоқда. Ҳозирда эса «Интел» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган энг



Күшимча функцияларни бажарувчи ускуналарни ўрнатиш имкони туғилади. Улар эса, ўз навбатида, қувватни тежаш ҳамда техника воситалари нархини арzonлаштиришга замин яратади.

# ЭВОЛЮЦИЯГА ТАЬСИР КҮРСАТГАН(МИ?)

Канада ва АҚШ тадқиқотчилари гурхи Ер атмосферасида кислороднинг концентрацияси ошиши туфайли глобал музлаш ҳолатлари юзага келиши-ни далилловчи маълумотлар тўплагани ҳақида хабар берди. Уларнинг мавзуга бағишланган макопаси «Сайнс» илмий журналида чоп этилди.

— Фикримизча, фосфор концентрациясининг ошиши океандаги биологик маҳсулдорлик даражаси кўтарилишига туртки бўлган, — дея изоҳ беради Калифорния университети олими Ноа Планавски. — Натижада, бу фотосинтез жараёнида ажralадиган кислород ҳажмининг ошишига олиб келади. Табиатдаги бу каби ўзгаришлар ҳайвонларнинг яшаш тарзига ижобий таъсир кўрсатиб, ривожланиш ва янада кенгроқ маконлар бўйлаб ҳаракатланиб, ҳаёт кечиришга имкон туғилган. Соддароқ қилиб айтганда, глобал музлашлар жонзотларнинг эволюциясига катта таъсир ўтказган бўлиши мумкин.

Мутахассиснинг таъкидлашича, тадқиқот пайтида ишлаб чиқилган моделлар орқали кўп йиллар аввал содир бўлган ушбу жараёндаги муз қатламларининг роли ўта муҳим экани асослаб берилмоқда. Бойси, улар ўз ўрнидан силжиб ва ҳажман қисқариб, тупроқ жинсларининг парчаланишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, бу табиий жараён туфайли океанга тушадиган фосфор моддаси дарожаси ошган. Тадқиқотчилардан яна бири Тимоти Лайонснинг сўзларига қарангандা, тадқиқот орқали бу каби иқлим шароитлари неопротерозой даврида Ердаги табиий жараёнларга қай даражада таъсир кўрсатганини илмий асослаб беришга эришилган.

# СЕМИЗЛИККА КАРШИ

Эдинбург университети олимлари анор шарбатининг яна бир фойдали хоссасини аниқлашди. Маълум бўлишича, у қондаги ёғ кислоталар микдорини камайтириб, озишга ёрдам берар экан, дейилади «Компью-лента» манбасида.

Тажрибага мутахассислар томонидан 64 нафардан аёл ва эркак кўнгиллилар жалб этилган. Улар 1 ой давомида кунига 500 миллилитр миқдорида шарбат истеъмол қилишган. Якундаги таҳлиллар иштирокчиларнинг бир қисмida се-миришга мойиллик пасайганини кўрсатди. Шу билан бирга, қатнашчиларнинг 90 фоизида қон босими нисбатан пасайгани ҳам сезилган. Бу эса ўз навбати-




Мутахассисларнинг фикрича, мазкур ҳолат мева таркибида жуда кўплаб фойдали модда ва ферментлар борлиги билан изоҳланади. Шу сабаб, унинг асосида витаминалар тайёрлаш санаб ўтилган касалликларнинг олдини олишда самарали восита вазифасини ўташи мумкин.



# ИЛК БОСКИЧ НАТИЖАЛАРИ

Шу кунларда «1000 инсон геноми» номли халқаро лойиха мутахассислари томонидан дастлабки натижалар эълон қилинди. 2008 йили ишга тушган мазкур лойиха уч боскичда амалга оширилиши режалаштирилган эди, деб ёзади «Нейчэ» нашри.

Жараёнда генетик олимлардан Фарбий Африка, Европа, Хитой ва Япония аҳолиси вакиллари геномларини батафсил ўрганиш, улардаги ДНКлар таркиби занжирини аниклаш, генлар тўпламидаги ўзига хосликларни белгилаш талаб этилади. Натижаларни тахлил этаётганда мутахассислар ҳар бир инсон оргамутация(ўзгариш)лар кузатилиб, натижада генлар фамилишини аниклашди.



Билан көнгайиб бориши, 2012 иили эса 2,5 минг нафарга яқин күнгиллиларнинг геномлари асосида яратилган ахборотлар тўплами билан лойиҳани якунлаш мўлжалланмоқда. Илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлган «1000 инсон геноми» лойиҳаси учун ҳозирга қадар 120 миллион доллар микдорида маблағ сарфланган.

**КИТЬАЛАРАРО САЁХАТ ЯКУНЛАНДИ**

Жорий йилнинг 20 июлида Италияning Парма шаҳрида автоматик бошқариладиган иккита автомобильning қитъалараро саёҳатига старт берилганди. Яқин ўтган кунларда мазкур ноодатий пойга Хитойning Шанхай шаҳрида якун топди. Бу ҳакда «Yahoo! News» манбасида эълон килинди.

Маълумотларга кўра, электрвэн(электр токи қуввати ҳисобига ҳаракатланадиган улов)лар бирин-кетин тахминан 13 минг километр масофани олдин маълум бўлмаган ҳаракат йўналиши — Шарқий Европа, Россия, Қозоғистон ва ҳатто Гоби саҳроси бўйлаб босиб ўтган.

Фоя муаллифи ва уни муваффақиятли равишда амалга оширган Италияning «VisLab» компанияси мазкур саъй-ҳаракатни бошлашдан аввал машҳур сайёҳ Марко Полонинг саёҳатини маълум маънода такрорлаш ниятида экани ҳақида хабар берганди. Жараёнга электрвэнларни ишлаб чиқарган «Piaggio» компанияси жалб этилган, лойиҳа эса Европа тадқиқотчилик кенгаши томонидан молиялаштирилган. Саёҳатни амалга оширишдан мақсад — йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини таомиллаштиришга кўмаклашиш ва ҳайдовчилар бўлмаган фавқулодда ҳолатда ҳам инсонларга ёрдам келадиган технологияларни ривожлантириш.

Ушбу ўзига хос тажриба қуйидагида амалга оширилган: олдинма-кетин ҳар-  
катланаётган электрвэнларнинг ҳар бирида ик-  
китадан ҳайдовчи бўлиб, уловлар имкон қадар  
автоматик равишда ўзини ўзи бошқаради. Ав-  
томобилдаги оператор (дастурчи) ва мұхандис  
уларнинг автоматик бошқарув тизими учун  
масъул бўлиб, ҳаракатланишни назорат қилиб  
боради, холос.



— Эътиборлиси, ҳаракатланиш йўналиши олдиндан маълум эмас эди, аксинча шароитга қараб танланди, — деди тажрибада иштирок этган мұхандис Изабелла Фредрига. — Аслида тадқиқот орқали икки қитъадаги турли мамлакатлар бўйлаб, ҳар хил об-ҳаво шароити ва бирбиридан фарқли инфратузилмага эга йўллардаги саёҳатни муваффақиятли амалга ошириш кўзланганди. Негаки, айнан шу йўл билан тизимни синаш учун имкон кавар юлроқ нордатиј вазиаткорга дин көрини мумкин ари.

Лойиха раҳбари, Парма университети профессори Альберто Броггининг маълум қилишича, электрвэнлар соатига кўпи билан 60 километр тезликда ҳаракатланган. 2-3 соат йўл босгач, 8 соат давомида батареялар қувватланган. Келгусида мазкур ўзиюрар технологиядан ҳайдовчилик кўниқмаларини ривожлантиришда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, кончилик ва курилиш ишларида кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

**Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

Тошкент туризм касб-хунар колледжи жамоаси физика фани ўқитувчisi  
Гулбаҳор Гулметовага умр йўлдоши  
**Фарҳод ГУЛМЕТОВНИНГ**  
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қадриятлар жамиятимиз бойлиги, миллий ифтихоримиздир. Уларни авайлаб-асраси ва муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиз.


Мамлакатимизнинг биологик ва тиббиёт жамоаси ЎзФА академиги, хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори Ёлқин Тўракуловни доим чукур ҳурмат билан хотиралайди.

Кўплаб монография, ўқув кўлланмалари мулалифи Ё.Тўракулов бошчилигига қандли диабет эпидемиологияси, унинг ахоли ўртасида тарқалиши, клиникаси, оғир асоратлари, тугма эндокрин хасталиклар, буқоқ муаммоларига багишланган изланишлар кенг миқёсда олиб борилди. Республика мизнинг ҳамма вилоятларида эндокринологик диспансерлар ташкил қилиниб, уларга мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Кимки тинимиз мөхнат қисса, унинг завқини ҳис қилишга одатланса, у ҳаёт мушкулларини осон енгади. Мөхнат жараёнидан келадиган қониқиши, илҳом ҳосиласи инсон ҳаётининг тиргагидир. Шу маънода устознинг илму-фан, ижод

жараёнидан узилган пайти бўлмаган.

Ўзбекистонда биокимё фанининг ривожланиши, ўлка медицина, кейинчалик эндокринология илмий-техшириш институтининг равнақ топшишида, юксалишида Ё.Тўракулов ҳормай-толмай ишлади. Савол туғиладики, бир одам қандай қилиб бунча ишни амалга ошира олади? Қаердан вақт, куч, гайрат топади? Бу саволга жавоб аниқ — биринчидан, кишида илмга муҳаббат, илмий ишга катта қобилията интилиш бўлиши керак. Иккинчидан, кишининг ўз олдига қўйган мақсадидир. Ё.Тўракуловнинг бутун илм фаолияти буюк



Xotira

бир мақсаднинг рӯёбга оширилишига қаратилган эди.

Олим чин юракдан биокимё илмини, унинг энг замонавий дастур ва усусларини, ютуқларини ҳозирги замон ўкувчиши, талабаси, шифокорига етказиш, уларни шу бебаҳо бойликлардан баҳраманд қилиш вазифасини ўз олдига қўйганди. Демак, мақсаднинг улуғлиги кишига куч-куват багишлар экан. Бу эса одамни самарали ижод қилишга илхомлантиради.

Илмли инсон нина билан қудук қазииди, дейишади. Ё.Тўракулов бир умр тинимиз илмий ишлар билан машғул бўлди. У кишининг

айрим мавзулар бўйича тузган, йиган картотекалари бир бутун хазинадир.

\*\*\*

Професорнинг Эндокринология институтидаги иш кабинетига охирги йилларда кирганимизда узун стол устидаги тўп-тўп қўлланмалар, китобларга кўзимиз тушарди. Домламизнинг ўзлари эса бирор шогирдга консультация, бебаҳо маслаҳат берётган, бирор қўлэзмани диққат билан ўқиётган бўларди. Ҳар бир шогирдни ўз ўғли ёки қизидек меҳр билан тарбияларди. Буларнинг ҳаммаси шогирдларининг хотирасида абадий қолган.

Сергайрат, меҳнатсевар устоз Ёлқин Тўракулов ҳалол меҳнатлари туфайли кўп маротаба давлат мукофотлари, қатор медаллар ва фахрий ёрликлар билан мукофотланган. Зотан, эл-юртни, одамларни севган, илм-фан ривожи йўлида яшаган инсон номи, қилган машиқатли, дурдона меҳнатлари қадрсиз қолмайди. Устозимиз ана шундай эҳтиромга лойиқ инсон эди.

**Тохир ИБРОХИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор,  
шифокор эндокринолог

## КАСБИДАН ҚАДР ТОПГАН УСТОЗ

Азиз устозларимизнинг байрами арафасида бир гуруҳ педагоглар ва спорт мураббийларимиз муҳтарам Юртбошимиз фармони билан мамлакатимизнинг юксак мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлди. Улар орасида Самарқанд вилояти Булунғур туманинг болалар ва ўсмиirlar sport maktabi bilan yuon-rum kuraishi bўyicha murabbiy vazifasida iishlab kelmoqda.

Табиатан тиришкоклиги ва бағрикенглиги билан қисқа вақт ичидан эътиборга тушган Раббим Ташанов 1990 йилдан Булунғур туманинг халқ таълими бўlimiga қарашли Болалар ва ўсмиirlar sport maktabida yuon-rum kuraishi bўyicha murabbiy vazifasida iishlab kelmoqda.

У ҳар бир машғулотга чукур масъулият билан ёндашади. Мазкур жараённи синчилкаб кузatsanqiz, murabbiy va shogirdlarning yurtasidagi dўstona munosabatniga guvohi bўlasiz. Ёш murabbiy shogirdlari ning maktabdagi yuqishi, жамоат жойларида одоб-ахлоqi, yida qulq-atvoriidan xamiша xabar-dor bўlib, tergab turishni kanda qilmaydi. У sportchilar, ayniqsa, kurauchilar atrofda gilargara har tomonlama yurnak bўliishi kerak, deb xisoblaidi.

Шунинг учундир R.Tashanovning axsariyat shogirdlari bir qator viloyat, respublika, Osiё va jaҳon championatlariida shoxsupsadan yurin egallab, jaqinlariiga chexsiz kuvonchu iftixor ula-shayapti. Xususan, Siroj Nazarkosimov



2007 йили Қозогистоннинг Чимкент шахрида бўлиб ўтган халқaro турнирда голибликни қўлга киритди. Мўминжон Абдуллаев 2010 йили Хинди斯顿нинг Дехли шахрида

### Oramizdag'i odamlar

ўтган катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида учинчи ўринни эгаллади.

Хозир унинг машғулотларига қатнашаётган шогирdlariidan 10 naafari sport ustasi, 60 naafari sport ustaligiga nomzoddir. Ikтиidorli sportchilar — Sharof Mamatkulov va Zavqiddin Xujanov ustoz R.Tashanov bilan birgalikda ёshlariga kuraishi sirlarini ўrgatmoqda. Murabbiyining ўz isiga masъuлият bilan ёndaishiши va kasbiga sadokati xukumatimiz tomonidan munosib baxolaniib, horiy yilda «Shuxrat» medali bilan taqdirlandi.

**Мамажон АХМЕДОВ**  
Самарқанд вилояти

Кўз нури ва қалб кўрини, бутун ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга багишлаган, бир сўз билан айттанди. Ватанимизнинг эртangi куни пойдеворини ярататётган азиз устозларнинг олижаноб мөхнатлари таҳsinga лойиқ.

Ўттиз йилдан ортиқ ўқитувчи бўлиб мөхнат қилиб

технологияси" кафедрасида ўзининг ilk фоалиятини бошлайди. Бир вақтнинг ўзида илмий иш билан ҳам шуғулланиб, 1993 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятлини қўйдилди.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги



бирга, ёш олимларга раҳбарлик қилиб маҳаллий хомаше ва чиқиндиларни қайта

## УМР ЗИЙНАТИ

келаётган Farida Mingulovanning faoliyatini kuzatap

эканмиз, beixhtiёri yuqoriyidagi ustozlar shaxning aytildigan sўzlari

хозир унинг машғулотlari ga қatnashaётgan shogirdlariidan 10 naafari sport ustasi, 60 naafari sport ustaligiga nomzoddir. Ikтиidorli sportchilar — Sharof Mamatkulov va Zavqiddin Xujanov ustoz R.Tashanov bilan birgalikda ёshlariga kuraishi sirlarini ўrgatmoqda. Murabbiyining ўz isiga masъuлият bilan ёndaishiши va kasbiga sadokati xukumatimiz tomonidan munosib baxolaniib, horiy yilda «Shuxrat» medali bilan taqdirlandi.

1968 йили ўрta maktabni bitirgan Farida Mingulova Toшkent politehnika instituti(хозирги Тошкент давлат техника университети)ning kimё-technologiya fakultetiga ҳужжатни topshiri va давлат имтиҳonlariidan muvaффaқияtli ўтиб талabalarni safiga қabul қилиndi. Oliy ўқув юртини bitiriб institutting "Keramika va boglovchi moddalarni

Fuқaro muҳofazasi institutida faoliyatini davom ettiраётgan Farida Mingulova ўn yildan ortiq давр mobainida kattha ўқituvchi lavozimiда iшlaiypti.

Ф.Мингулovanning ахоли xavfsizligi ni taъminlash, fuқarolari, taъlim muassasalarini ўquvchi va talabalarining turli favqulodda vaziyatlarida tўpni xarakat қилиш borasiдан bilim va kўnikmalari mustaqbalkamlaш йўлиda olib boraётgan sermaçsul faoliyatni zъtiyborga molik. У bugungi kunda dolzarb mavzulardan biri bўlgan ekologiya йўnaliishiда ilmий izlaniш olib bormoqda. Шу bilan

ishlab chiqariшga tatiq etildi. Farida Mingulova Favqulodda vaziyatlar vazirligi ilmий-technik kengashi aъzosi, shu bilan birga uning raҳbarligida tўprt nafar tadiqotchi ilmий iш olib boraётgan bўlsa, ikki nafar tadiqotchi shogirdlari nomzodlik dисserqtasiyasini ҳimoya қилдilar.

**Рихсивой СОБИРОВ,**  
Назокатхон  
САИДХОНОВА,  
Fuқaro muҳofazasi  
institutti ўqituvchilari

Футбол бўйича ўсминалар уртасида тобора ўз поёнига яқинлашиб бораётган Осиё чемпионатида юртдошларимиз жуда мухим синовдан муваффакиятли ўтиб олди. Улар ярим финал ва айни вактда келгуси йили Мексика яшил майдонларида ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этувчи ниҳоятда масъулиятли учрашуда зафар қучди.

"Пахтакор" стадионида кечган муросасиз матчда вакилларимиз Суря терма жамоасини 2:1 хисобида енгиди. Ўйин бошиданоқ ҳужумкорликка ургу берган футбочилларимиз рақиблар

сей Евстафеев шогирдлари бироз хотиржамрок ўйнай бошлади. Аммо футбочилларимизнинг хатти-ҳаракатидан ўйинга, ғалабага чанқоқ эканлиги сезилиб турди.

Ўз навбатида чорак

да ташаббусни яна ўз томонларига оғдиришида ва суряликларни ўз жарима майдончаси ичига "қамаб кўйиш"га интилди. Бунинг удасидан нечоглик чиқишганини асосий вақт тугасига саноқли дақиқалар қолганида, Темур Ҳакимов томонидан ажойиб тарзда урилган гол ҳам билдириб турибди. Таъкидлаш жоизки, ўзбек футболи шинавандлари анчадан буён бу қадар хуррам бўлодмаётганди. Галаба муборак бўлсин!

Чемпионатнинг қолган чорак финал ўйинлари ҳам шиддат ва ҳаяжон

шийнинг голига Кори Эдвард Браун ва Жанкарло Галифуоко жавоб қайтариб, хисобни тенглаштириб, кейин Ж.Галифуоко яна бир маротаба гол уриб, якуний натижанинг 3:2 бўлишига ўз хиссасини кўшиди.

Бу ҳолат Ўзбекистон ўсминалар терма жамоасининг ярим финалдаги рақиби Австралия ўсминалари бўлишини кўрсатди. Юртдошларимизга чинакам футбол байрами шукухини улашишга аҳд қилган ўсминаларимиз энди финал йўлланмаси учун кечадиган ярим финал ўйинида Австралия

дарвазаси томон кетмакет хавфли зарбалар беришга киришди.

Табиийки, бундай ҳолатларда сурялилар ўсминалар асосан қарши ҳужум тактикасига таяниб тўп сурди. Шу боис майдонда Ватанимиз шаррафини ҳимоя қилаётган терма жамоамиз аъзолари ҳимоя чизигини ҳам ёддан чиқармасликлари га тўғри келди.

Ўсминаларимизнинг саъи-ҳаракатлари бесамар кетмади. Биринчи тайм якупнанишига ўн дақиқа қолганда (36-дақиқа), Аббос Мақсудалиев рақиб ҳимоячиларидан баландроқ сакраб, боши билан суряликлар дарвазабонини доғда колдириди.

Шундан кейин Алек-

бобида бир-биридан қолишмайдиган тарзда ўтди. Ҳусусан, вакилларимизнинг ярим финалдаги рақибларини аниклаб берувчи Австралия ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалиари қарама-қаршилиги кескин ва муросасизлик борасида яққол ажralиб турди.

"Жар" ўйингоҳи мезбонлик қилган матчда аввалига араблар кетма-кет икки бор "яшил қитъа" футбочилари дарвазасини аниқ нишонга олди. Шундан сўнг БАА-ликлар ўзларига ортиқча ишониб юборди чоғи, австралияликлар мувознатни тиклашга, ҳатто ғалаба қозонишга ҳам эришиди. Юсуф Сайд ва Абулла Муса Ал-Балу-

терма жамоасидек кучли рақибни доғда қолдириши талаб этилади.

Ярим финалнинг иккичи жуфтлиги эса Ирок — Япония ҳамда КХДР — Иордания мұхорабасида маълум бўлди. Қунчикар ўлка футбочилари ироқлик тенгдошларини осонликча мағлубиятга учратди — 3:1. КХДР ўсминалар терма жамоаси ҳам кучли таркибга эга эканини исботламоқда, улар Иордания терма жамоаси дарвазасини жавобсиз тўт бор ишғол қилди.


Демак, иккичи финал йўлланмаси учун КХДР ҳамда Япония ўсминалари кураш олиб боришади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,  
"Ma'rifat" мухбири**

Кечакида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 231-мактабда "Баркамол авлод йили" мұносабати билан ўкувчилар ўртасида кикбоксинг бўйича туман биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада "Ёшлик" клуби спортчилари Тигран Григорян, Олег Семёнов, Машхур Баҳодиров ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни кўлга кириди. Ушбу спорт тадбирининг кўнгилдагидек ташкиллаштирилишида шу клуб мураббийларидан бири Акбар Нурбоевнинг хизматини алоҳида таъкидлаш ўринлиди.

**Суратда:** мусобақада тақдирланган ёш умидли кикбоксингчилар.



## ҲАМ САБОҚ, ҲАМ ИБРАТ, ҲАМ РАФБАТ

Бокс бўйича 1996—1998 йилларда тугилган ўсминалар ўртасида "Баркамол авлод йили"га ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 8 йиллигига бағишилаб, БСРЖ соврини учун "Водий биринчилиги" мусобақалари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мусобақалари Андикон вилояти Бўз туманидаги V ТИП болалар спорт мажмуаси мезбонлик қилди.

Жами юз нафарга яқин ҳаваскор боксчи иштирок этган мусобақани Андикон бокс мактабининг таникли спортчилари: Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Файрат Аҳмедов, Ботир Махмудов ҳамда Зоҳиджон Хурбоев билан бир қаторда жаҳон чемпиони,

ган тажриба ва ҳалқаро рингларда ортирган малякасини намойиш этган ҳолда мастер-класс машғулотларини амалга оширилар. Бир сўз би-

### Bolalar sporti

лан айтганда, ушбу бокс кечаси фақатгина мусобақа эмас, балки устоз дарражасига етган ва ана шу йўлдан бораётган спортчиларнинг навқирион авлод билан ўзига хос учрашуви ҳам бўлди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида сўзга чиқанлар хозирги кунда

бокс борасида республика музобақаси шарафини ҳалқаро майдонларда мұносаби тарзда ҳимоя қилиб келаётган Андикон бокс мактаби тарбияланувчиларига қатъий ишонч билдириб, омад тилади.

Пойнига яқинлашиб бораётган йил якунига қадар БСРЖ томонидан бошқа спорт турлари бўйича ҳам мусобақа ва мастер-класслар Сурхондарё, Наманганд, Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида ўтказилиши режалаштирилган.

**МУХБИРИМИЗ**



### ЙИЛНИНГ СҮНГГИ ФОЛИБАСИ

Бельгиялик машхур теннисчи Ким Клейстерс Доха шаҳри мезбонлик қилган мавсумнинг сүнгги нуфузли турнирида бош соврин соҳибаси бўлди. У финал учрашуда жаҳоннинг биринчи рақамли ракеткачиси Каролина Возняцкини доғда қолдириди.

Уч сёт давом этган шиддатли баҳсада 6:3, 5:7, 6:3 хисоблари қайд этилди. Матч 2 соату 19 дакика давом этди.

Клейстерс бу билан фаолияти мобайнида ушбу турнир финал босқичида еттинчи марта иштирок этди ва учинчи марта чемпионликни кўлга кириди. У 2002 ва 2003 йillarda голи ҷиҳозланганда.

### МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИ

Жаҳоннинг амалдаги чемпионлари — польшалик спортчилар Михал Малитовски ва Жоана Ленис Лотин Америкаси дастурлари асосида ўтказиладиган спорт рақси бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш мусобақасида учинчи бор биринчиликни ҳеч кимга бермади.

Москвадаги мұхташам муз саройда профессионаллар ўртасида ўтказиладиган ушбу нуфузли турнирда иккичи ўрин россиялик Сергей Сурков ҳамда Агнешка Мельнишка дўзига наисбет этди. Фарҳли учинчи италиялик Маурицио Весково ва Андра Вайдилайте жуфтлиги яқинлаб бериши.

Голиб ва совриндорлар 20 ноябрь куни Германиянинг Бонн шаҳрида кечадиган "Жаҳон чемпионати-2010"да қатнашиш имконини берувчи йўлланмани кўлга кириши.



### ТЕЗКОР ФИКРЛАШ БАҲСИ

Украиналик таникли гроссмейстер Василий Иванчук Франциянинг Кап-д'Аѓд шаҳрида ўтказилган тезкор шахмат турнирида барча рақибларидан устунлигини намойиш этди, деб хабар берилди мусобақа расмий сайтида.

Финал босқичининг биринчи партиясида Василий Иванчук американлик шахматчи Хикар Накамурга қарши оқданаларда ўйнади. Иккичи матчда эса қора доначаларни сурб, дурранг натижага эришиди. Умумий кўрсаткиларга кўра, Иванчук 1,5—0,5 хисобида зафар қучди.

Иванчук чемпионликка эришгунча дастлаб гурӯҳ баҳсида жами 7 имкониятдан 5,5 очко жамғарди. Чорак финалда венгриялик шахматчи Юдит Полгарга ютқазиб кўйанди. Ярим финалда эса Хитой вакили Бу Сянжини қаторасига икки марта мот қилиб, етакчиликка эриши.

### ШВАЙНШТАЙГЕР "ЧЕЛСИ"ГА ЎТМОКЧИ(МИ?)

Мюнхеннинг "Бавария" клуби президенти Ули Хенес Германия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Бастиан Швайнштайгерни жамоада олиб қолиши учун катта микдорда маблаг ажратишга ҳам рози эканини яширмади, деб маълумот берди "Sporting Life" манбаси.


26 ёшли хавбекнинг мюнхенликлар билан тузган амалдаги шартномаси 2012 йили ўз якунига етади. Хозирда айрим гранд жамоалар агар олмон футбочиси "Бавария" билан шартномани узайтиришга қарор қилмаса, уни ўз сафида кўриши истаклари борлигини маълум кўлмоқда.

— Бастиан яхши биладики, бу ерда истаган маошини олиши мумкин. Чунки у жамоа учун муҳим ўйинчи, — деди Хенес.

Шунга қарамай, Швайнштайгер Англия чемпионатида, айнан "Челси" клубида фаолиятни давом этиришини истайтганини "Sunday Times" нашри орқали билдири.

**Шахина НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.**





## КУЗ – ЯНГИ ТОНГДАН НИШОНА



Кечагина юракларга муҳаббат шуъласи ингани каби, ҳув, кўкка қўлларини чўзганча, алланималардир дея шивирлаётган дараҳтлар куртак ёзиб, барг чиқарганди.

Орзулар, умидлар ширин мева сингари дараҳтларнинг шохларидан шокилалардай кўналға топганди. Қалдиғочларнинг парвози қалбга яшаш ва яратиш нашъаси туҳмидан сочган бўлса, дилбар қизларнинг қошлирига инган ўсма янада чирой бағишлилаганди.

Табиатнинг турфа турланишларини мурғак тасаввурига сифиролмай ҳайрат билан боқаётган анови кичкинотй ҳам бироз улғайиб қолди. Дўст-дугоналари билан мактабга йўл олди.

Ёзбобо тилёрар полиз экинларию, дилтортар эпкинлари билан баҳри дилимизни очганди. Куёш заррин қиличларини бoshимиз устида ярқиратиб, қўзларимиздан уйқу қочганди...

Энди эса, куз фасли ҳукмронлик ўрнатади. У она-табиат йил бўйи йиққан-терганини гўё сарҳисоб қилғандек... шамолларда ўйнатади, сочқилайди, шаддод елларга рўбарў килиб, сочларидан тортқилайди...





Япроқлар сояларини йўқотади, сояси устига ўзини отади. Осмонни тўлдириб турналар ортига қайтади... Улар хотираларни тирнайди, бироз мудраб, хаёл суреб ҷалғиган дилларни такрор қийнайди... Ҳислар шарқироқ сойларда ўйноклаб оқаётган зилол сувнинг масрур симфонияси билан келишолмаётгандек, унсиз харсанглардан нажот излайди...

Олис уфқларга қизил бўёқ тортиб қуёш ботмоқда. Теракларнинг учларида титраётган япроқлар гўё бу ҳолатни унсиз тинглаш инсофдан эмас, дегандек қарсак чалишни канда қилмайди. Қарсак чалган қўлчалар, табиийки, совуқ изгирин ўйғотган қоровул шамолнинг тузогига тушади. Салкам олти ой қўним топған қадрдан шоҳидан айрилиб, ёмби мисол товланиб, заъфарон тўнга ўранган заминга аста қўнади.

Теракларга осилиб, қуёш ботаяпти. У янги тонгдан нишона! Янги мавсум, янги орзуларга доялик қилгувчи баҳордан инжа ишорадир.

Зоҳиджон ХОЛОВ

Н.БОЙМУРОДОВА ва Ё.ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.



**Ma'rifat**

### TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rincosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rincosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rincosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
№ 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1022.  
Tirajji 26930.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.  
Navbatchi muharrir:  
G'olib  
BAHROMOV  
Navbatchi:  
Sherali NAMOZOV

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsatni bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar mualifiga qaytarilmaydi.  
Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kash-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqt — 21.00.  
Topshirildi — 21.30  
ЎзА икунн — 21.00